
Қува тумани прокурори томонидан саҳоват тадбири ўтказилди.

Қува тумани прокурори раҳбарлигидаги 2-сектор ҳудудида фаоллар, “Аёллар дафтари” ва “Темир дафтар”ларга киритилган фуқаролар иштирокида Рамазон ойи муносабати билан саҳоват тадбири ўтказилди.

Тадбир муносабати билан ифторлик дастурҳони ёзилди. Тадбирда туман прокурори, туман ҳокими ўринбосарлари, ҳудудга бириктирилган ҳоким ёрдамчилар ва фаоллар иштирок этдилар.

Тадбир давомида ҳудуддаги хотин-қизларга эсдалик совғалари топширилди. Бундай саҳоват тадбирлари туманимиз бўйлаб кенг миқёсда давом этмоқда.

2022-04-19 00:58:45